

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy
maqsadi — inson
salomatligiga
erishishdir.



Высшее благо
медицины —
здоровье.

Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqqan boshlagan. № 45 (457) 2005-yil 15-21 noyabr Seshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида ҚОНУН ИЖРОСИ АМАЛДА

Мустақиллик йиллари арафасида ўзбек тилига давлат тили макominiнг берилиши ҳар бир миллат учун фахру ифтихор туйғусини уйғотган эди. Ўзбек тилига эътибор ва унинг кенг имкониятларидан унумли фойдаланиш, энг асосийси ўзбек тилини миллий тил даражасига кўтариш масаласи барчамизга бирдек муҳим. Қарангки, бугун ўзбек тили дунё бешигида ўзининг муайян ўрни ва бетакрор жозибасига эга бўлмоқда. Ҳоҳланг у Америка, Англия, Франция, Туркия, қолаверса Япония бўлсин, ҳаттоки уша ерда ҳам ўзбек тилини ўрганиш ва шу тилда сўзлашиш учун турли имкониятлар, махсус курслар, факультетларнинг ташкил этилиши қисқа давр ичида эришилган ютуқларимиздан бири дея фахрланамиз. Демак, ўзбек тили миллий тилимизнинг асл қиёфасига мазмун бераётган бўлса, айни пайтда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг ҳойларда татбиқ этилиши, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида бу жараённинг қай даражада олиб борилаётганиги кўпгина мутахассисларнинг кузатишларига сабаб бўлди. Шу маънода жорий йилнинг 8 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган мазкур мавзудаги таҳлилий-мунозаравий йиғилиш айнан юқоридаги масалаларга янада ойдинлик киритди.

Тадбирни Ўзбекистон қаҳрамони, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари бўйича қўмитаси раиси Эркин Воҳидов кўриш сўзи билан очиб, давлат тилини миллий тил сифатида шакллантириш, унинг жамият фаровонлиги йўлидаги аҳамияти, «Давлат тили тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш бўйича юзага келаётган муаммолар, ютуқлар ва баъзи камчиликлар ҳусусида кенгрок тўхталиб ўтди.

Маълумки, 1989 йили «Давлат тили тўғрисида» Қонун қабул қилинган, уни жамият орасида тарғиб қилиш, бу узоқ мuddatли жараёни амалга ошириш учун ташкил этилган ишчи гуруҳлар фаолиятини ривожлантириш, Атамашунослик қўмитаси ишларини алоҳида шакллантириш масалаларини кўриб чиқилган эди. Ундан ташқари, бошқа тиллар таъсири доирасида ўзлашиб қолган баъзи атамаларнинг ўзбекча мубоқилини ўйлаб топиш, ҳусусан турли соҳаларда давлат тили тўғрисидаги қонун ижросини таъминлаш бўйича йўлга

қўйилаётган фаолиятлар бугунги кун нуктаи назаридан олганда биргина соғлиқни сақлаш тизимида бу жараён қай тарзда олиб борилаётганиги таҳлилий натижалар асосида ўрганиб чиқилди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Н. Шарапов бевосита тиббиёт муассасалари ва ўқув масканларида, мутахассислар орасида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун ижросини назорат қилиш юзасидан киритилган ўзгариш, янгиллик ва бу борада махсус ўқув соатларини жорий этиш билан боғлиқ масалалар ҳамда оммавий матбуот нашрлари фаолигини ошириш, уларни жамият орасида кенг тарғиб қилиш муаммоларининг бугунги аҳоли тўғрисида ўз фикрларини айтиб ўтди.

Чунки, аксарият тиббиёт атамаларини меъёр даражасидан ҳоли равишда таржималаштириш ёки янги мубоқил асосида оммавий нашрларда чоп этиш муаммолари, ўзбек ёзувида асосланган лотин алифбосининг ўзига хос тарзда амалиётда акс этиши баъзи ҳолларда жиддий камчиликларга сабаб бўлмоқда.

Сенатор Зокиржон Зунунов ҳам айнан юқоридаги масалаларга ургу бериб, давлат тили доирасида юзага келаётган айрим муаммолар ҳусусида гапирар экан, жумладан, республика тиббиёт муассасалари, олий ўқув юртлари ҳамда коллежлар, шунингдек, тиббиёт йўналишидаги матбуот нашрларининг Қонун ижроси йўлидаги фаолиятларини махсус кузатув ва таҳлиллар мисолида кўрсатиб берди. Бундан кўзланган асосий мақсад, кенг қатламли аҳоли орасида давлат тилининг белгиланган мезонлар асосида олиб борилишини назорат қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини матбуот саҳифаларида тўлақонли ёритиш, ўзбек тилига миллий тил макенини бериш билан унга бўлган эътиборни оширишдан иборатдир. Шу каби масалалар кўрилган йиғилишда соғлиқни сақлаш ташкилоти мутасадди раҳбарлари, матбуот хизмати ходимлари ва сенаторлардан иборат гуруҳ қатнашиб, мазкур вазифалар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдириб ўтдилар.

Тадбир сўнггида давлат тили юзасидан қўлинажак ишларнинг келгусидаги режаси белгиланиб, таҳлилий ва натижавий ҳулосалар айтиб ўтилди.

Ибодат СОАТОВА.



Куни кеча Тошкентдаги Юнусовод теннис кортида Марказий Осиё давлатлари II махсус Олимпиада уйинларининг таштанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур спорт анжуманида 350 дан зиёд ногирон спортчилар ва 100 дан ортик маҳалали мутахассислар иштирок этидилар. Олимпиада уйинларига таширф буорган ақли заиф ва имконияти чекланган болалар спортнинг баскетбол, стол тенниси, футбол энгил атлетика ва бошқа турлари бўйича мусобақалашдилар.

Қўллаб қалқорган ташкилотлар, нуфузли идоралар, хайрия жамғармалари ҳимийлигида ўтган мазкур спорт байрамини Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор С. Иномова тантанали равишда очар экан, барча иштирокчиларга омад ёр бўлишини тилаб қолди.

(Ушбу тадбирга доир мақола ва фотолар ҳамда билан газетанинг 8-саҳифасида танишасиз).

Дил изҳори САХОВАТЛИ ИНСОҒЛАР

Аввало, соғлиқнинг тиклашда ўзининг беминнат хизматини аямаган Навоий тоғ-металлургия комбинатининг директори, сенатор Н. Кучерскийга самимий дил изҳорини билдираман.

Ушбу хатни Навоий шаҳар 27-ТСКнинг кардиология бўлимида ётиб даволанаётган вақтида сиз азизларга ёзмадан. Айни пайтда 50 ёшдан. 45 ёшда икки маротаба юрак инфаркти, инсульт, қанд касаллигининг иккинчи босқичи хасталиклари билан оғриб, бир неча бор даволаниб чиқдим. Бугун эса жигаримдаги эхиноккок кистаси пайдо бўлганлигини эшитиб, соғлиғим янада ёмонлашди. Чунки мени операция қилиш мумкин эмас.

Шундай бўлсада, менинг соғлиғим учун қайғуриб, ўзларининг бор тажрибаларини ишга солиб халқ олқишига сазовор бўлаётган кардиолог врач Исроиил Ражабов, ҳамширалар Гүлнора Нойманова, Дилором Баракаева, тез ёрдам бўлими бошлиғи Нурмурод Бобаяров, реанимация бўлими врач Шухрат Саъдуллаевларга экскюз миннатдорчилигимни билдириб, уларнинг келгуси ишларида ҳамisha омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

Бундан ташқари 2005 йилнинг август ойида пойтахтимиздаги Саломатлиқни тиклаш ва тиббий даволаш илмий-текшириш институтида 16 кун давомида даволаниб чиқдим. Уша вақти менга яқиндан ёрдам берган барча тиббиёт ходимларига миннатдорчилик билдириб, газета орқали эълон қилишимда ўзларининг меҳрини дарие тутмаган газетанинг ижроичи муҳаррири И. Соатова ва фото-муҳбири А. Нураддиновларга ҳам ўзимнинг қалбим тўридаги дил изҳорларини билдираман. Бу фикрларимни 2005 йил 10 октябрдаги 1008-бўюртма хат орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назировга ҳам билдириб, тахририят ходимларига мени номимдан раҳмат айтишларини баён этдим.

Шунингдек, тахририят ходимларига ўзим ва oilam нодимдан яна бир бор миннатдорчилик билдириб, газетанинг 10 йиллик юбилейи билан чин дилдан қутлайман.

А. БЕНКАЗАРОВ,
биринчи гуруҳ ногирони,
Навоий вилояти.

ОБУНА-2006

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш —
Здравоохранение Узбекистана» сизнинг
газетангиз — муштарийлар эса бизнинг
таъинимиз!



Азиз шифокорлар,
ҳамширалар, зиёлилар ва
барча муштарийлар
эътиборига!

Тиббиётдаги янгилар билан қадам-қадам
одимлашингизда Сизга мадад
бўлишни ўз олдига мақсад
қилиб қўйган

«Ўзбекистонда соғлиқни
сақлаш — Здравоохранение Узбекистана»
газетасига

2006 йил учун обуна қизгин давом этмоқда.

Буни унутманг!

Нашр индексимиз: 128.

РЕКЛАМА VA E'LONLAR: TEL.: 133-13-22, 133-57-73.

Сўраган экансиз?

Хурматли тахририят ходимлари!

Мен қандли диабет, мия қон босими, камқонлик, уйку бузилиш ва нафас қилиш каби хасталиклари билан касалланганман. Шунингдек, биринчи гуруҳ ногирониман. Шу боис, ушбу касалликлар бўйича менга уқол-дорилар бепул бериладими? Уларни қаердан ва ким томонидан олсам бўлади? Сизлардан илтимос! Менга ана шулар ҳақида маълумот берсангиз?

Ш. ИСКАНДАРОВА,
I гуруҳ ногирони,
Хоразм вилояти,
Питнак шаҳри, Шехлар маҳалласи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури»га асосан давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий хизматлар доирасига қуйидагилар кириди:

- шошилич кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш;
- соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида ва бир қатор даволаш-профилактика

Тахририятимизга келаятган хатлар орасида айрим муаллифлар тиббиёт муассасаларида кўрсатилаётган тиббий ёрдамларнинг қонунга мувофиқлиги, уларнинг сифат даражаси ва соғлиқлари учун мавжуд имтиёزلардан қандай фойдаланиш лозимлиги хусусида маълумот беришимизни сўраганлар. Ушбу саволларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш Бош бошқармасининг бошлиғи Ш. Хошимов жавоб беради.

тика муассасаларида, биринчи навбатда кишлоқ жойларидаги тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

- аҳолини юқумли касалликларга қарши иммунизациялаш ва эмлаш;

- ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар соғлиқига хавф туғдирувчи сил, хавфли ўсма, рухий, наркологик, эндокринологик ҳамда касб касалликларига дучор бўлган шахсларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш;

- болаларни текширувдан ўтказиш ва даволаш (пулли муассасалардан ташқари);

- 15-17 ёшдаги ўсмирларни ҳамда чакирув комиссияларининг йўлланмалари билан чакириш ёшдаги (18-27 ёш) шахсларни текширувдан ўтказиш ва даволаш;

- ҳомиладор аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш (пулли муассасалардан ташқари);

- беморларнинг имтиёзли то-

ифалари (ногиронлар, уруш фахрийлари, етимлар ва бошқалар)га бепул тиббий хизмат кўрсатиш.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдаги 532-сонли Қарорида стационар шароитида даволаш-профилактика муассасаларида (пулли муассасалардан ташқари) даволанаётган да овқатланиш пули тўлашдан овоз қилинган ҳамда амбулатор шароитида бепул дори-дармон билан таъминланган фуқаролар тоифаси ва касалликлар рўйхати аниқ кўрсатилган.

Амбулатория шароитида даволанаётган беморларга қуйидаги касалликларга бепул дори-дармонлар берилади:

- онкологик касаллиги;
- сил касаллиги;
- мохов касаллиги;
- эндокринологик касалликлар;

- рухий касалликлар;
- ОИВни юқтирганлар;
- юрак клапани протези

қийилган ва аъзолари кўчирилган беморлар;

- ўзгалар қаровига муҳтож якка-ёлғиз пенсионерлар;

- 1941-1945 йиллар меҳнат fronti қатнашчилари;

- 1941-1945 йиллар уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар;

- Чернобыль АЭС ҳалокати нинг бартараф этишида қатнашган ногиронлар;

- байналминалчи жангчилар;

- ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

Юқорида номлари кўрсатилган фуқароларга тиббий кўрсатмаларига биноан, амбулатория-поликлиника муассасаларида даволанган шифокорлар томонидан махсус дориномалар ёзиб берилади ва беморлар ушбу дориномалар асосида дориномалардан бепул дорилар олишлари мумкин.

Кураш Полвонлар Беллашганда

Сурхондарё азал-азалдан ўзининг полвонлари билан машхур. Бу воҳада нафақат йигитлар, балки хотин-қизлар ҳам кураш тушишади. Яқинда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли сано-матлиқни тиклаш ва тиббий даволаш илмий-тектириш институти Термиз филиалида спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақани ушбу масканнинг директори Зокиржон Зунунов очди. Термиз туман ҳокими Бахтиёр Муҳаммадиев ҳам мусобақага ўз соғвалари билан етиб келиб, полвонларни табриқлади. Бақовуллиқша шифохонада даволанаётган полвон Жонпўлат Эрмуродов тайинланди.

Курашчилар асосан кардиология, терапия, физиотерапия ва ошхонада ишлайдиган ҳамширалар ҳамда ходимлар эди. Биринчи ўрин Шавкат Ҳакимовга, иккинчи ўрин Кўшбўқ Ҳолиқовга ва учинчи ўрин Амиркул Бўриевга насиб этди. Биринчи ўрин соҳиби Ш. Ҳакимовга ҳоким ўз совғаси - гилами, қолганларга эса магнитофонлари топишди. Хотин-қизлар ўртасидаги курашда эса Зулфия Жуманова, Хайиткул Холмирзаева ва Гулноза Пиримкулова, Раъноҳон ҳамда Гулҳақрақонлар ғолиб деб топилиб, кимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Х. МАҲАМОВА.

Семинар

В Республике Узбекистан огромное внимание уделяется оздоровлению молодого поколения, просветительным работам с родителями. Ведь младенец является самым хрупким и слабым существом, который нуждается в постоянной заботе родителей. А для того, чтобы уберечь его от разных инфекций и вирусов, разрабатываются новейшие средства вакцинации.

С периода рождения, строго следуя профилактическому календарю, каждый человек обязан получить вакцину про-

исследовательского института вирусологии, Всемирного банка, а также сотрудники международных организаций ВОЗ, ЛСА,



тив того или иного заболевания. Своевременная и постоянная вакцинация населения помогает в борьбе против различных вирусов.

Именно теме вакцинации и проблемам, с которыми сталкиваются специалисты этой сферы, и была посвящена презентация по иммунизации «Прогресс для детей», проведенная по инициативе представительства фонда ЮНИСЕФ и при поддержке Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

На презентации, состоявшейся 8 ноября 2005 года в гостинице «Марказ», присутствовали представители МЗ РУз, фонда ЮНИСЕФ, Министерства финансов и Минмакроэкономики, Узфармкомитета, Научно-исследовательского института педиатрии, Научно-

ЮСАИД, Проект «Надежда», областные руководители Расширенной Программы Иммунизации и работники СМИ.

Презентация открыл заместитель министра, главный государственный санитарный врач республики Б.И. Ниязметов. В своем докладе он проинформировал участников о мероприятиях, проводимых в этой сфере. Также он выразил благодарность представителям фонда ЮНИСЕФ, организации ЛСА и ГАВИ за их тесное сотрудничество в проведении вакцинации детей.

Презентация по иммунизации «Прогресс для детей» представила последние данные исследований. Говорилось как о достижениях, так и об упущениях, которые в дальнейшем должны быть ликвидированы.

По данным, начиная с 1990 года, охват детей вакцинацией во

всем мире составляет более 70 процентов. На Генеральной Ассамблее ООН, состоявшейся в 2002 году, была поставлена задача охватить иммунизацией как минимум 90 процентов детей до одного года в каждой стране к 2010 году.

Глава офиса ЮНИСЕФ господин Реза Хоссайни отметил, что в настоящее время каждый год иммунизация детей до пяти лет предотвращает приблизительно 2 миллиона смертей. Однако этих показателей еще недостаточно и бывают случаи смертности среди детей. И для этого как в Ташкенте, так и в областях республики действует Расширенная Программа Иммунизации (РПИ), где работают квалифицированные специалисты. Этой программой был посвящен доклад национального руководителя РПИ Д. Турсуновой. По ее словам, в 2003-2004 гг. Министерство здравоохранения продемонстрировало способность самообеспечения вакцинами, предусмотренными РПИ: было закуплено 100 % всей потребности вакцин для

международных организаций Республики Узбекистан в 2002 году была признана территорией, свободной от полиомиелита.

О предпринятых усилиях по контролю за распространением инфекций говорили областные руководители РПИ.

А как нужно организовать правильную вакцинацию населения? Для этого, во-первых, нужно обеспечить присутствие адекватной системы контроля запасов вакцин. Во-вторых, контроль правильного прогнозирования потребности в вакцинах и своевременное обеспечение ими потребителей. В-третьих, наличие нового, хорошо действующего холодильного оборудования. Тут следует заметить, что вакцина должна содержаться в специальных холодильных установках. А в-четвертых, (самая главная часть) наличие высококвалифицированных специалистов, прошедших подготовку в этой сфере. Четыре этих критерия являются основными в системе вакцинации, и были главной темой выступления советника по Про-

ластом и районном складах. Министерством здравоохранения было принято решение о создании в республике системы технического обслуживания по ремонту и профилактике оборудования. В настоящее время республика обеспечена 317 морозильниками, 210 холодильниками, 1009 термосами. И так, если считать, что проблема с хранением вакцин решена, то что еще осталось? Это прививка вакциной с помощью шприца, проводимая врачом-вакцинатором. Каждый год Республика Узбекистан закупает нужное количество одноразовых шприцов, использование которых очень удобно не только для детей получающих вакцину, но и для врача. В последние годы налажен выпуск таких шприцов местным фармзаводом, что позволило снизить долю импорта.

Важную роль в правильной вакцинации играет врач-вакцинатор. Для повышения уровня знаний врачей этой области разработаны специальные методические пособия для преподавателей и студентов вузов и сузов страны, и для сестер медицинских учреждений. Огромная работа проводится и с родителями. Для них с помощью Министерства здравоохранения республики организуются семинары и встречи, на которых обсуждается тема вакцинации и актуальность ее на сегодняшний день.

На презентации также обсуждалась роль информационных и компьютерных средств связи, участие их в осуществлении работ в сфере иммунизации. Специалист Вычислительного центра компьютеризации системы О. Кирилова затронула эту тему.

В конце презентации представители ЮНИСЕФ поделились своими планами на 2006 год.

Ирода ИЛЬХАМОВА.

Фото:
Асена НУРАТДИНОВА.



первичной иммунизации. До этого времени вакцины закупались по линии гранта японской организации ЛСА. Благодаря поддержке со стороны правительства и

грамме иммунизации И. Ашир-овой По ее словам при поддержке ЮНИСЕФ и ЛСА в республике улучшилась система хранения вакцин на республиканском, об-

«Перинатал ёрдам самарадорлигини ошириш юзасидан туғруқ мажмуалари (бўлимлари) ишларини қайта ташкил қилиш ва шифохона ичи инфекцияларининг олдини олиш тўғрисида»

[illegible][illegible]

ТАСДИКЛАЙМАН:

куркунмаларни: 1. туғрук мажмуалари (булимлари)да акушерлик стационар ва амбулатория шифохоналари ташкил қилиш (1-сонли илова); 2. туғрук мажмуалари (булимлари)да анги туғилган чақалоқларга ва тиббий ёрдам кўрсатишни жорий қилиш (2-сонли илова); 3. туғрук комплекслари (булимлари)да шифхона ва ич ин-сти-ту-тларнинг олдиди олиш чора-тадбирларини ташкил қилиш (3-сонли илова);

(бўлимлари)да
илова).

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш қармалари бошлиқларига;

ЎзР. ССВнинг 2003 йил 13.11.даги 500-сонли буйруғига 1-сонли илова к. стационар ёрдамчини ташкил қилиш тўғрисида йўриқнома

УТУҢҖУК КОМПЛЕКСЛАРИ (БУИЛМИЛАРИ) ИШИ АМЛАДАГИ ИЛИМИЙ АХСОСЛАРЛАР, ХАЛҚАРО АНДΟΣЭЛАР (СТАНДАРТЛАР) ВА ТУТУҢҖУК МАЖМУЭЛАРИДА (БУИЛМИЛАРИДА) АКУШЕРИЯ-ГИНЕКОЛОГИК СТАЦИОНАР ЕРДӘМИН ТӘШКІЛ КІЛІШ БУЙИЧА УШУБУ ЙУРКОНЛАР, БУЙРУҚЛАР, ФАРМОЙИШЛАР, ҚОҢИҚЛИҚ СӘУЛӘШ ТӘШКІЛЛАТЛАРИ ЙУРКОНЛАРИГА МУВОФИҚ ЯҢОНА ТӘМОЙІЛ БУЙИЧА ТӘШКІЛ КІЛІНАДИ.

БІЗНІС ТӘШКІЛЛАТЛАРИ АЙЛАҢ ҚОНТЕНГЕНТІ, ҚУЙИЛҒАН ВӘЗИФИЛАР, ҖИХОЗЛАНИШ, ПЕРИНАЛ ТҒДМ ҚУРСАТИШ ҖАҢМИ ВА КАДРЛАР ТӘШКІЛЛАТЛАРИ ИКОНОМІЯЛАРГА ҚАЗАБ ТУТУҢҖУК КОМПЛЕКСЛАРИ (БУИЛМИЛАРИ) ҚУЙИДАГИ БОСКИЧЛАР БУЛИНАДИ.

ТАШКИЛЛАТИН ИКОНОМІЯЛАРГА ҚАЗАБ ТУТУҢҖУК КОМПЛЕКСЛАРИ (БУИЛМИЛАРИ) ИШИ АМЛАДАГИ ИЛИМИЙ АХСОСЛАРЛАР, ХАЛҚАРО АНДΟΣЭЛАР (СТАНДАРТЛАР) ВА ТУТУҢҖУК МАЖМУЭЛАРИДА (БУИЛМИЛАРИДА) АКУШЕРИЯ-ГИНЕКОЛОГИК СТАЦИОНАР ЕРДӘМИН ТӘШКІЛ КІЛІШ БУЙИЧА УШУБУ ЙУРКОНЛАР, БУЙРУҚЛАР, ФАРМОЙИШЛАР, ҚОҢИҚЛИҚ СӘУЛӘШ ТӘШКІЛЛАТЛАРИ ЙУРКОНЛАРИГА МУВОФИҚ ЯҢОНА ТӘМОЙІЛ БУЙИЧА ТӘШКІЛ КІЛІНАДИ.

БІЗНІС ТӘШКІЛЛАТЛАРИ АЙЛАҢ ҚОНТЕНГЕНТІ, ҚУЙИЛҒАН ВӘЗИФИЛАР, ҖИХОЗЛАНИШ, ПЕРИНАЛ ТҒДМ ҚУРСАТИШ ҖАҢМИ ВА КАДРЛАР ТӘШКІЛЛАТЛАРИ ИКОНОМІЯЛАРГА ҚАЗАБ ТУТУҢҖУК КОМПЛЕКСЛАРИ (БУИЛМИЛАРИ) ҚУЙИДАГИ БОСКИЧЛАР БУЛИНАДИ.

Босқич	Хомилдорлар контингенти	Түзілмеси	Муассалар түрі
I.	1. Хомилдорлиги ва түтүк жарайын физиология кемеңгиткен айбллар 2. Хомилдорлиги ва түтүк жарайын физиология кемеңгиткен айбллардан күрса- тишли заурур булган ҳолат.	1. Кабул бўлими. 2. Патологиясы бўлими. 3. Түтүк бўлими жарохиж блохи билан. 4. Хомилдор ва түткен айбллар учун реани- мация бўлими. 5. Гинекология бўлими.	1. Марказий туман широҳонаси.
II.	1. Хомилдорлиги ва түтүк жарай- ын физиология кемеңгиткен айбллар. 2. Хомилдорлиги ва түтүк жарай- ын физиология кемеңгиткен айбллардан күрса- тишли заурур булган ҳолат.	1. Кабул бўлими. 2. Патологиясы бўлими. 3. Түтүк бўлими жарохиж блохи билан. 4. Хомилдор ва түткен айбллар учун реанимация бўлими. 5. Гинекология бўлими. 6. Маслаҳатлашуу поликлиникаси.	1. Шахар перинатал маркази ва акушерлик маркази. 2. Тиббий санитария қўшаи түтүк бўлими. 3. Тиббий санитария қўшаи түтүк маж- муалари.
III.	1. Хомилдорлиги ва түтүк жарай- ын физиология кемеңгиткен айбллар. 2. Хомилдорлиги ва түтүк жарай- ын физиология кемеңгиткен айбллардан күрса- тишли заурур булган ҳолат. 3. Оғир экстрагенитал патологияли айбллар. 4. Оғир экстрагенитал патологияли заври булган айбллар.	1. Иштирокчилар хомилдорлар тусадиган ва түт- кен айбллар ҳалда чақалоқлар патологияси бўлими, ги- некология бўлими. 2. Маслаҳатлашуу поликлиникаси.	1. Республика перина- тал маркази. 2. А ва Г ИТИ ва унинг филиаллари. 3. Тиббиёт санитария қўшаи клиникалари.

Долзарб мавзу

КАСОФАТЛАР КАЛИТИ

«Хамр барча ифлосликларнинг онасидир. Ароқ ичган кимсанинг танасидан имон чиқади».

Ҳадисдан.

Ривоят қилишларича, қадим замонларда яхши фазилатларга бой, хушбичим бир йигит бўлган экан. Енгилтак аёллардан бири унинг обрўсини тушириш, тўғри йўлдан оздиришга аҳд қилади. Шу мақсадда ўзига ўхшаш дугоналаридан бирини у кишининг хузурига юборади. «Биз сизни бир ишга гувоҳ бўлсангиз деган ниятда уйимизга қақиряпмиз», дейди таклиф қилувчи аёл. Яхши фазилатли йигит тўғри кўнгилда нотаниш аёлнинг уйига келади. Хонада енгилтак аёл бир ёш бола ва бир кўза май билан уни қарши олади-да, эшикни қулфлайди. Кейин мақсадга кўчади: «Қасам ичиб айтаманки, мен сени меҳмонга эмас, балки мен билан бир ерда тунаш, зино қилиш учун атай қақиртирдим. Менинг учта шартим бор: биринчиси мана шу кўза тўла майни ичасан, иккинчиси болани ўлдирасан ва учинчиси ўзингга маълум. Башарти шартларимга рози бўлмасанг, ҳозир дод солиб, одамларни йиғман, шарманданг чиқараман», дейди. Ноилож қолган йигит оsonроғи деб, кўзадаги майни охиригача сипкоради, мад бўлиб қолади. Оқибатда ўша енгилтак аёлнинг макри домига илинади, боласини ҳам ўлдиради.

Яна бир мисол. Бу элимизга манзур ва машҳур бўлган тарихий асар, Уйғун ва Иззат Султон қаламига мансуб «Алишер Навоий» драматизади воқеа. «Ўз қўли билан сеvimли набираси Мўминмирзони ўлдирган, кеча-кундуз кайф-сифодан беч кўтармаган, тўйда ҳам, азда ҳам тўхтовсиз ичадиган Хусайн Бойқаро»нинг аянчли тақдири, сўнгги афсуснадомати беихтиёр ёдимизга тушиб, ҳамон азёйи-баданмизни сескантиради, чуқур ўйлашга мажбур қилади.

Энди ҳақли савол туғилади, нега бундай офат, қулфат, фо-

жиа рўй берди? Унинг сабаби нима? Ҳеч иккиланмай, баралла шуни айтиш жоизки, ҳамма бало ароқда, ичкиликдадир!

Маълумки, Аллоҳ таолонинг энг буюк неъматларидан бири — Инсонга ато этилган тафаккур кучидир. Тафаккурсиз кимсанинг ҳайвондан фарқи бўлмайди. Шу ўринда доноларнинг бир ҳикоятини эслаш фойдадан холи эмас. Эмишки, ичкиликни ичган кимсада бирин-кетин ҳайвонларга хос тўрт сифат ўзини намоён этади. «Аввал шер қиёфасига кириб, ўзини мард, жасоратли се-зади, ўзига ўлжа қидира бошлайди. Бироз вақт ўтгач, маймун қиёфасида ҳар хил ножўя, бачкана қилиқлар, масхарабозликлар қилади. Ва ниҳоят, охирида тўнғизга ўхшаб ифлос, лой, балчиққа ағанаб, ўз қусуғи ва ахлатига қоришиб, беҳуш ётаверади».

Шундай экан, ичкиликлар, у ароқми, виноми, мусалласми фарқи йўқ, одамни буюк неъмат — тафаккурдан айирувчи воситадир, барча офат, қулфатларнинг боши, гаму гусса, ташвишларнинг калитидир. Шундан кейин яна бир савол туғилиши табиий албатта: ҳўш, ичкилик дегани нима ўзи? Унинг кўрсатадиган қаромати яна нималардан иборат?

Ҳозирги замон тиббиётида таркибида спирт моддаси бўлган, узум, нок, олма, асал, хурмо, арпа, буғдой, сут ва бошқа маҳсулотлардан тайёрланган, инсонни маст қиладиган барча ичимликлар «ХАМР», яъни алкоголь ҳисобланади. Алкоголь сўзи аслида арабча бўлиб, ал-куҳл, деб талаффуз қилиниб, «ўтли сув» деган маънони билдиради. Мазкур ичимликни оз-оз ёки тез-тез истеъмол қилиш сурункали одат тусига кириш оқибатида ичкиликбозлик-алкоголизм касаллиги келиб чиқади.

Дарҳақиқат, спиртли ичимликлар оғиз бўшлиғига тушиши биланок, қонга сўрилиб организмдаги суякқили ўзига тарта бошлайди. Ичимликнинг 50-60 фо-

зи ошқозондан, қолган миқдори ичаклар орқали қонга ўтади. Жигар ва бошқа тўқималарда спиртни парчалаб ташлайдиган махсус ферментлар истеъмол қилинган спиртли ичимликларни парчалаб, зарарсизлантиришга улғура олмайди. Бинобарин бу модда бутун тана бўйлаб тез тарқалиб, ҳужайраларга сингиди. Ёр моддаларига бой бўлган тўқималар спиртли моддаларни кўп миқдорда ўзида ушлаб, сақлаб қолади. Бир оғиз сўз билан айтганда, ҳар қандай спиртли ичимлик барча ҳужайра ва тўқималар учун зарарлидир. Улар тўқималарга ниҳоятда зарур бўлган кислород моддасининг бефойда ёниши, сарфланишига олиб келади. На-тижада, ҳаво, кислород танқислиги туфайли ҳужайра ва тўқималарнинг емирилиши, меърий иш фаолиятининг бузилиши кузатилади.

Маълумки, ичилган спиртли ичимликлар организмда узоқ муддат, яъни бир ҳафтагача сақланиши мумкин. Демак, бир марта кўп миқдорда, тўйиб ичилган ичимлик иш фаолиятининг эрта-си кунга ҳам, индинига ҳам паст бўлиши, баъзан ўнглаб бўлмас катта хатоликлар, бахтсизликларга ҳам олиб келиши мумкин.

Спиртли ичимликларни меъёридан ошириб, сурункали ичиш оқибатлари ниҳоятда аянчлидир. Бу кундалик иш, ўқиш, яшаш фаолиятидаги оддий тартиб-интизом, давоматдан бошлаб, турли бахтсиз ҳодисалар, соғлиқнинг йўқолиши, ҳатто тасодифий ўлим билан ҳам яқун топиши мумкин. Ичкиликка ружу қилган кимсаларнинг руҳий фаолиятида, одамлар орасида ўзини тутиши, юриш-туришида бошқалар кўзига яққол ташланадиган салбий ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Гап-сўзларида қўлчана ёлғон-яшиқ ишлатиш, мақтанчоқлик, таъмағирлик қилиш, лаёқатсизлик белгилари пайдо бўлади, кийим-бошига пўтур этади, ҳулқда дағалик, кўрсик, жаҳлдорлик юзага чиқади, оилада нотинчлик, безовталиқ бошланади. Кўпинча оилавий ҳаёт издан чиқади, эр-хотин ўртасидаги никоҳ бе-кор қилинади. Энг аянчлиси ва кўрқинчлиси шуки, ичкиликни сурункали ичган кимсаларнинг наслида майиб-мажруҳ авлодлар дунёга кела бошлайди. Бунга маш-

хур олим, академик В. Бехтеревнинг қуйдаги илмий кузатишларидан ҳам билиш мумкин: «Ҳар юзта ичкиликбоздан ўнта туғма нуқсонлар, саккизта ақли паст, ўн бешта ноўрин хатти-ҳаракатларга ва бешта ичкиликбозликка мойил болалар туғилади. Юзта ўз жонига қасд қилганларнинг ярмисини ичкиликбозлар ташкил қилади». Демак, ичкиликка ружу қўйган ота-онадан жамият ҳамда ўзлари учун бир умрга оғир юк бўладиган минглаб майиб-мажруҳ, ақлан заиф, руҳан носоғлом болалар туғилар экан.

Бундан ташқари ичкиликка ашаддий берилган кимсаларда баъзи тери-таносил касалликлари (захм, сўзак, ОИТС ва бошқа)ни юктириш, гиёҳвандликка берилиши эҳтимоли кўпроқ бўлади. Чунки киши озгина спиртли ичимлик ичганида енгил табиатли бўлиб қолади. Шундай қилиб, танада бирин-кетин турли касалликлар бош кўтара бошлайди. Биринчи навбатда жигар касалланади, унинг кучи заҳарланиши, зарарланиши, яллиғланиши, кейинчалик циррозга айланиши, кичрайиб, бўжмайиб, «қуриб» қолиши ўлимга олиб келади. Иккинчи навбатда юрак қон-томир тизими ишдан чиқади. Бунда юрак мушакларининг заҳарли модда таъсирида яллиғланиши, қон томирларининг сиқилиши (стенокардия), қон босимининг ошиши кузатилади. Учинчи навбатда ошқозон-ичак ва ниҳоят бош мия фаолияти кескин бузилади. Пировард натижада беморларнинг хотираси сусаяди, тафаккур доираси тобора чегараланув, турли оғир руҳий хасталикларга чалинади.

Шундай экан, оғир дардга муб-тало бўлиб унинг машўм оқибатларини даволагандан кўра, олдин олиш маъқул албатта. Шу ўринда ичкиликбозлик — алкогольизм даволаб бўладиган касаллик эканлигини алоҳида таъкидлашимиз жоиз. Бунинг учун жойлардаги психоневрологик, наркологик диспансерларда фаолит қўрсатаётган шифокор-мутахассисларга мурожаат этиш, уларнинг маслаҳатлари билан иш тутиш зарур. Ақс ҳолда ичкиликбоз одам бамисоли жамият танасидаги зарарли ўсимтага айланиб қолади. Бунинг учун фақат ақл,

идрок, мустаҳкам ирода зарур ҳолос.

Демокчимизки, халқимиз қадимдан ҳар қандай маст қилувчи ичимликлардан ҳазар қилган, чунки пайгамбаримиз Муҳаммад саллолоху алайҳис-саломнинг: «Хамр — барча ифлосликларнинг онасидир, у ҳаромдир» деган ҳадисларини яхши тушушлар ва унга итоат этганлар. Ҳозирги кунда-чи? Афсуски, ҳаммаёқни турли-туман спиртли ичимликлар босиб кетди, ҳар қадамда кечаю кундуз ҳеч қандай тўсиқсиз сотилмоқда. Ичкилик ичиш учун эса, бахоналар бисёр. Оилада фарзанд туғилиши туғул қўшнингини мушғу миёвалас ҳам, машина сотиб олинса ҳам, ўғил-қизимиз бирор ўқишни тугатса ҳам, армияга жўнаса ҳам, келса ҳам. Айниқса тўйлар, юбилейлар, қўда қақирлардаги базм, зиёфатлар оммавий ва ошқора ичкиликбозлик, ароқхўрликка айланиб кетмоқда! Қарабиски, ёшу қари, каттаю кичик муккасидан кетиб, «Саломатлик, яхши қайфият учун» қадах уриштириб ичгани ичган, эрта-индин эса, боши гурра бўлиб, кўзи қизариб, қоғоғи, юзи, лаби-даҳани шишиб, кўқариб, пешонаси тиришгани-тиришган.

Қаёққа кетяпмиз ўзи биродарлар?

Лавҳамизни Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг «Ху-рофот» номли шеъридаги қуйда-ди сатрлар билан мухтасар қилишни лозим кўрдик:

Шунчалар ичамиз
кун ўтган сайин,
Даврага зеб бериб,
қадахчи бежаб.
Шундоқ изаверсак
Юз йилдан кейин,
Ёппа овсар бўлиб қолсак,
не ажаб?!

Мен-ку аҳволингта
кўз солиб дилхун,
Ичма, захри мор,
деб қўлингни тўсдим!
Кайф устида бўлган
авлоднинг бир кун,
Сени лавнатларга
кўммасми, дўстим?!

Искандар РАҲМОН,
Фуқаро муҳофазаси
институтини катта ўқитувчиси.

Спорт

УЙҒУН ҲОЛДА

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурида кўрсатилгандек, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини олиб бориш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий ҳаётдан уйғун камол топишга интилишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантиришни амалга ошириш республикамизнинг барча тиббиёт ходимлари сингари тиббий таълим муассасалари олдига ҳам бир қатор вазифаларни бажариш каби масъулиятни кўяди. Бу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда эса аввало тиббиёт ходимларининг ўзлари ўрнак бўлишлари муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Тошкент тиббиёт академиясида олиб борилаётган ишлар ана шундай қарор ижроси йўлидаги дадил қадамлардан ҳисобланади. Бунинг исботи сифатида жорий йилнинг 8 ноябрида академиянинг 3-клиникаси ҳудудида енгил атлетиканинг 1,2 километрга югуриш бўйича клиника ходимлари, тиббий-педагогика ва сто-

матология факультетларининг профессор-ўқитувчилари ўртасида спорт эстафетаси мусобакаси бўлиб ўтди. Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент тиббиёт академияси ректори, академик Ш. Каримов, сўзга чиққанлар академик Т. Даминов, 3-клиника бош шифокори М. Қодировлар ўз сўзларида тиббиёт ходимлари аҳолига кўрсатиладиган

тиббий хизмат сифатини яхшилаган ҳолда соғлом турмуш тарзи биллими тарғиботини ва ташкилотчилигини тўғри йўлга қўйиб, саломатлиқни мустаҳкамловчи омилларга қаратилган соғломлаштирувчи тарғиботни кучайтириш ҳақида сўзладилар. Сўнгра мусобақа иштирокчилари этапларга бўлинган ҳолда чопиш йўлакчалари бўйлаб югуриш, ўзаро куч синатишди. Югуриш — масофа ва тезликка болиқ ҳолда илдамликни, нисбатан қисқа зўриқишга чидамликни ҳамда тезликни ошириш машқи эканлиги, унинг ўзига ҳос хусусиятларини мусобақа катнашчилари ўзларининг қаққонликлари, ғалабага бўлган интилишлари билан намоийш этишди.

Мусобақада 1-ўринни 3-клиниканинг 2-жамоаси, 2-ўринни тиббий-педагогика факультети, 3-ўринни эса стоматология факультетининг жамоалари эгаллашди. Фолибларга академия ректорати, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан таъсис этилган фолиблик кубоклари ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, мусобақада фаол иштирок этган катнашчиларга «Спортга эътиқоди учун», «Эстафетада кучли ирода кўрсатган иштирокчи», «Эстафетада фолибликка интилган иштирокчи», «Эстафета стингери», «Саломатлик тарғиботчиси», «Эстафетанинг энг қоматли иштирокчиси» каби номинациялар бўйича ҳам махсус совғалар топширилди.

Шоира ҚОДИРОВА,
Тошкент тиббиёт
академияси катта
ўқитувчиси.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Встреча, окончивших Андиганский госу-
дарственный меди-
цинский институт в
1965 году, состоится
17 декабря 2005 г.
в г. Андигане (ул.
Ю. Отабекова,
дом 1). Желаящим
участвовать во
встрече, просим об-
ратиться по адресу:
г. Андиган, тел.:
(8-374-2) 22-19-41.
Профессор
О. Салохитдинов.

Аҳоли кенг қатламларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишини, айниқса, болаларни спортга жалб этишни фаоллаштириш, мусобақалар, оммавий спорт ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказишни ташкил этиш ишларини амалга ошириш.

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастуридан.

ДЎСТОНА БЕЛЛАШУВ



«Special Olympics» интернэшнл халқаро ташкилотининг вице-президенти Хэлэн Макнаб хоним сўзга чиқиб, бундай махсус олимпиада ўйинлари дунёдаги энг катта спорт дастури бўлиб, ақлан заиф болалар ва катталар ўртасида йил давомида спорт билан шугулланиб, мусобақаларни ўтказишда хизмат қилишини айтиб ўтди. Шунингдек бугунги кунда 2,0 миллиондан ортиқ атлетлар ёзи ва кишки махсус олимпиада ўйинларида беллашиб келаётганлигини, шунингдек, ушбу спорт мусобақалари орқали ақлан заиф бўлган инсонларнинг яшаш тарзини ўзгартираётганлиги хусусида ўз фикрларини билдирди.

11-13 ноябрь кунлари спорт-



Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Special Olympics ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ҳамда «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини амалга ошириш мақсадида ҳамкорликда «Марказий Осиё давлатларининг иккинчи махсус Олимпия ўйинлари» олдидан матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида 2005 йилнинг 9 ноябрь кўни Ўзбекистон «Олимпия шон-шухрати» музейида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда иштирок этган ташкилотчилар мазкур олимпия ўйинларининг моҳияти хусусида тўхталиб ўтдилар. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан тўлақонли жавоб олдилар.



беш тури бўйича ўзаро беллашиб, ўзларининг спортга бўлган қизиқишларини намойён эта олдилар. Дўстона вазиятда ўтган мусобақа нихоясига етар экан, ўзаро беллашувда қатнашган фаол иштирокчиларга ҳомий ташкилотлар томонидан кўрак нишонлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Халқимизнинг таникли хонандалари ўзларининг дилрабо қўшиқлари ва жозибадор рақслари билан даврага янада файз киритдилар.

«Марказий Осиё давлатларининг учинчи махсус Олимпия ўйинлари»нинг навбатдаги мусобақаси Тожикистон Республикасида ўтказилиши муносабати билан уларга рамзий маънодаги байроқ тантанали равишда топширилди.

Тадбир ўз нихоясига етар экан, иштирокчиларнинг юзларидаги қувноқ табассумлари инсон қалбига ҳушудлик бахш этиб, дилларга зғулиқни олиб кирди. Чунки, ҳаётда инсон қандай ва қай ҳолатда яшашидан қатъи назар уни Оллоҳ ўз ризқи ва насибаси билан яратди. Шундай экан, келинг азизлар бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлиб, қўлимиздан келганча яхшилик сари интилайлик!



Жорий йилнинг 11 ноябрь кўни Юнусобод туманида жойлашган теннис кортида мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор С. Иномова қирдиш сўзи билан очиб, мусобақанинг асосий мақсади ақлан заиф бўлган болалар ва

катталар ўртасидаги ҳамдўстлик мамлакатларида яшаётган дўстлари билан яқинлаштириш, «Special Olympics» ҳаракатини тарғиб қилиш орқали барча жамоатчиликни ногиронлик муаммоларига жалб этиш ҳамда бу қатламдаги инсонларни соғломлаштириш кераклигини таъкидлаб, бундай спорт мусобақалари саломатлик учун муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтди. Сўнгра

нинг баскетбол, стол тенниси, футбол, енгил атлетика мусобақалари Чилонзор олимпия захиралари коллежи ва «Умид» спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Мазкур беллашувларда Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Россия давлатларидан 350 нафар атлетлар, 100 нафардан зиёд мураббийлар ва 500 нафардан зиёд кўнгилчилар мусобақалар ўтказилишида муносиб ҳиссаларини кўчдилар.

Бундай спорт мусобақаларининг аънаъага айланиши ҳар бир давлат халқларининг бир-бирига бўлган ҳурматини, шунингдек, улар орасидаги дўстлик ришталарини янада узвий боғлашига шубҳа йўқ. Айниқса, бундай тадбирларда ақлан заиф ва имконияти чекланган болаларнинг иштирок этиши, улар жамиятимизнинг тўлақонли аъзолари эканлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Яна шунини таъкидлаш жоизки, ўз истеъдодларига эга бўлган мусобақа иштирокчилари санъат бобидаги маҳоратларини ҳам катта заъф билан намойиш этдилар.

Нихоятда қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтказилган мусобақада иштирокчилар спортнинг



Мазкур тадбирда иштирок этган барча қатнашчилар мусобақа ташкилотчилари, яъни Республика хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, «Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, БМТ дастурини ривожлантириш, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Миллий Олимпия кўмитаси, «Меҳржон» спорт жамғармаси, ЮНИСЕФ, Енгил атлетика, футбол, стол тенниси федерациялари, «Кока Кола», «Фруктовый сад» компаниялари ва бошқа ташкилотларга ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирдилар.

Асен НУРАТДИНОВ.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН
СОҒ'ЛИҚНИ САҚЛАШ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
УЗБЕКИСТОН

Газета муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Соғ'лиқни сақлаш
вазирлиги

Баш муҳаррир:
По'лат MIRPO'LATOV.
Ижрочи муҳаррир:
Ибодат SOATOVA.

Табрир ҳай'ати раиси: F. NAZIROV.

Табрир ҳай'ати а'золари: B. ARIPOV (Баш муҳаррир о'ринбосари), B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV, O. MUHITDINOVA, M. MIRALIYEV (Баш муҳаррир о'ринбосари), B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV, X. RABBANAYEV, R. SOLIXOJAYEVA, N. TOLIPOV, M. TURUMBETOVA, A. UBAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV, N. SHARAPOV.

Манзил: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211. Adadi 5.802 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi. Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash» dan olinib deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma G-153.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41. Hajmi 2 hosna taboq. Format A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida teriladi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillar to'g'ri ushbu reklama va e'lon beruvchilar mas'uldir.

Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.
Boshmaxonaga topshirilish vaqti 19.00.